

БУГУН – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил

9 май

ЧОРШАНБА

№ 36

(12.464)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

Яратганга шукр, имон-этиқодли халқимиз. Меҳр-муҳаббат, оқибат, гуруру ифтихор қалбимиздан жой олган энг эзгу туйғулар. Улар бизга маънавий рағбат, куч-қувват, руҳий камолот бахш этади. Аммо шу эзгу туйғуларимиз-

ни юзага чиқаролмай, эътиқод кўчаларида сарсон кезган даврларимиз ҳам кўп бўлган. Фақат истиқдолгина эътиқод меҳварига йўл очди, эзгу туйғуларимизга қанот бағишлади. Ўзбек деган сўзга нур, виқор берди.

ди. Бугунги кун уруш ва меҳнат фахрийларигина эмас, Ватан ободлиги, эл-юрт фаровонлиги йўлида хизмат қилган ва қилаётган барча фидойилар қадрланадиган, хотираси ёд этиладиган энг азиз кун сифатида Истиқлол китобидан ўрин олганлиги шубҳасиз. Вилоятимизда ўтганлар хоти-

Республикаси Президентининг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини муқофотлаш тўғрисида" - ги (2012 йил 18 апрель) Фармони асосида Вазирлар Маҳкамаси қарори ижроси доирасида вилоят ҳокимлигида қатор чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Бу ҳақда "Нуроний" жамғармаси

мақсадида вилоят ҳокими бошчилигида қатор чора-тадбирлар режалаштирилди ва амалга оширилди. Вилоятимизнинг энг ардоқли инсонлари, уруш ва меҳнат фахрийларини хотирлаш, қадрлаш маъносида турли маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар ташкил этилди.

доинвест" уюшмаси ҳар бир уруш фахрийсига 155 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатди. Хуллас, савоб ишдан ҳеч ким четда қолгиси йўқ. "Дори-дармон" компанияси ҳам кексалар, эътиборга муҳтож кишиларнинг кўнглини олиш мақсадида 780 нафар уруш ва меҳнат фах-

лоятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг фаол иштирокчилари ва эртанги кун эгалари, келажак порлоқ ёшлар. Таъбир жоиз бўлса "Уч авлод учрашуви"нинг дастлабки онлари Хотира майдонида ўтганларни ёд этиш, улар руҳи-покларига таъзим бажо келтириш билан бошланди.

Фахрийларни вилоят ҳокими Рустам Холматов кутлар экан, кексаларимизни ҳаётимизнинг файзи, қут-баракаси, доимо эзгуликка йўлловчи маслаҳатчи, дуоғўйларимиз дея таъкидлаб, уларга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилади. Эътиборлиси, фахрийларга аталган совғалар ичида Юртбошимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" номли китоби ҳамда "96 мумтоз файласуф" номли асар ҳам бор. Бу китоблар энг иқтидорли ёшларга ҳам тақдим этилди. Таниқли санъаткорлар, вилоятимизнинг истеъдодли ёшлари тайёрлаган концерт дастури барчани хушнуд этди.

Бугунги ҳаяжонли лаҳзалар ҳаётимиздаги энг қувончли кўнларимиздан бири бўлиб қолади, дейди уруш фахрийси чирчиқлик Бакир Чубаров. - Йиллар давомида онгу шууримни, вужудимни титратиб келаятган уруш даҳшатларини бир оз бўлсада унутгандекман. Россия, Литва, Беларусь фронтларида кўрган-кечирганларимни ўйласам, ҳозирги тинч, осойишта ҳаётимизга "кўз тегмасин" дейман.

- Бирни кўриб фикр қил, мингни кўриб шукр қил, - дейди зангиоталик уруш қатнашчиси Наби Каримов. - Ён-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаслик керак. Ўзбекистонимиздаги тинч, фаровон ҳаётнинг қадрига етиш, айниқса, ёшларимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Даврон АХМАД ва Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

МУҚАДДАС ТУЙҒУ



Энди ўтмишию келажиги билан жаҳон айвонидан муносиб ўрин олган Мустақил Ўзбекистон фарзандларимиз. Аждодларимиз, ота-боболаримизнинг юксак салоҳияти билан ҳақли равишда фахрланамиз. Хотирасига таъзим бажо келтирамиз. Дориломон кўнлар шарофати билан қад кўтарган миллий ўзлигимиз тимсоли Амир Темурга ўрнатилган маҳобатли ҳайкал, музей, мустақиллик ва эзгулик монументи, Хотира майдони, Мотамсаро Она ҳайкали, Шаҳидлар майдони, қатагон қурбонларига ўрнатилган меъморий ёдгорлик, мажмуа - булар барчаси имон-эътиқодимизни улуғлаш, қадрлаш ва мустаҳкамлаш йўлидаги чуқур мазмун-моҳиятга эга иншоотлардир. Бу мўътабар масканлар мозийдан сўзлагувчи, асрлар қатидан садо бериб тургувчи Тошкенту Самарқанд, Бухороу Хоразмдаги табаррук қадамжолар каби келгуси авлодларга замонамиз ҳақида хабар бериб турса ажабмас.

9 май - Хотира ва қадрлаш кунига дориломон кўнлар шуқуқи, мустаҳкам эътиқод шуъласи чеҳрасини ёритган азизу мукаррам инсонлар, уруш ва меҳнат фахрийлари билан гавжум гўшаларнинг файз-таровати нафақат юртдошларимизни, балки хорижий меҳмонларни ҳам оҳанграбодек ўзига чорлаб туриб-

расига таъзим бажо келтириш, ҳурматини жойига қўйиш маъносидаги сай-ҳаракатлар айтишга арзигулик. Шу билан бирга, ҳамон сафларимизда бўлган 752 нафар уруш фахрийлари, 90 мингдан зиёд меҳнат фахрийларини қадрлаш, уларга иззат-икром кўрсатишдек хайрли ҳаракатларни таъкидлаб ўтмоқ ўринли. Ўзбекистон

вилоят бўлими ижроочи директори Мирғиёс Мирзааҳмедов шундай дейди:

- Юртбошимизнинг иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини моддий рағбатлантириш, шу асосда умумхалқ байрами 9 май - Хотира ва қадрлаш кунини нишонлашга доир Вазирлар Маҳкамасининг қарори ижросини таъминлаш

752 нафар уруш қатнашчиларига Президент фармонида кўра, 400 минг сўмдан пул муқофоти берилди. Касаба уюшмалари жамоат кенгаши эътиборга муҳтож ҳар бир уруш қатнашчисига 200 минг сўмдан пул, 200 нафар фахрийларга соғлиқларини тиклаш учун сихатгоҳлар, дам олиш уйлари йўланмалар ажратди. "Ўзулгуржисав-

рийларига 12 минг сўмлик зарур дори-дармонлар қутиси тарқатди...

Бундай тадбирлар вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида давом этмоқда. Жумладан, Чирчиқ шаҳри "Нуроний" жамғармаси раиси Файзулла Туевнинг хабар беришича, шаҳардаги 68 нафар уруш қатнашчисига Президентимизнинг 400 минг сўм пул муқофотидан ташқари улар ишлаган корхона ва ташкилотлар яна шунча пул муқофотлари, 150 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 20 хил дори-дармонлар тарқатилди. Улар қаторида 655 нафар фронт орти меҳнаткашлари ва меҳнат фахрийларига ҳам 200 минг сўмдан пул, озиқ-овқат, дори-дармонлар берилди.

Ҳа, бу дунёда ҳар ким савоб ишни касб қилса, келгусида бундай неъмат ўзига ҳам насиб этиши аниқ. Уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган эътибор ва эъзознинг намунаси сифатида вилоят ҳокимлиги бошчилигида Қумовулдаги Маданият саройида 8 май кунини ўтказилган тантанали тадбири мисол қилиб келтириш мумкин.

Вилоят маданият марказининг байрамона қиёфаси кўзни қувонтириб, дилларни яйратади. Файзли оқшом меҳмонлари: кекса авлод, уруш ва меҳнат фахрийлари, ви-

ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ

ЮТУҚЛАРГА ЭЛТУВЧИ ИЗЛАР

Кимё Турдиева ҳар бир кунини тонг-сахарда дала айланишдан бошлашга одатланган. Эндигина тун уйқусидан уйғониб, қуёшга юз тутаётган дала-тош ниҳоятда сокин, осмон мусаффо, ҳавоси роҳатбахш бўлади.

- Бунинг гаши ўзгача, - дейди "Турдиева Кимё" фермер хўжалиги раҳбари. - Аммо, менинг эрта тонгда дала айланишимнинг яна бир сабаби бор. Биз - 35 кишилик жамоа аъзолари ҳар кун иш ва иштиёқ билан меҳнат қилаётган қарийб 140 гектар экин майдонларининг ҳар қаричида раҳматли отам ва оналарнинг излари қолган. Улар бир умр жамоа хўжалигида ёнма-ён оддий ишни бўлиб меҳнат қилишган, шу йўл билан бизни қоқиб, тарбиялаб, вояга етказишган. Уларнинг излари ўчма-

син дея фермерликни ният қилдим ва 2005 йилда шу орзумимга эришдим. Мана энди тўнғич ўғлим Фаррух ёнимга кирди. Хўжалигимизда иш бошқарувчиликни ўлдиролмай. Демак, оилавий сулоламиз фаолияти давом этаверади. Ҳозир мен, кейин ўғлим ота-онамизнинг излари қолган заминда чинакам мулкдорлармиз.

Пискент тумани ҳокимлигида Кимё Турдиева ҳақида гап очилганида, унга "Пискент юлдузи" деб таъриф беришди. Бу бежиз эмас экан. Ҳар йили пахта ва галла бўйича шартномалар ортиги

билан бажарилиб, 70 миллион сўм атрофида соф фойда қоларкан. Айниқса, техникаси бутлиги боис, агротехник ишловлар вақтида ва сифатли бажарилиб, ҳосил мўл, таннархи арзонга тушаркан. - Ҳозир иккита ТТЗ-80-11, битта МТЗ-80 "Беларусь" чолиқ тракторларимиз бор, - дейди иш юритувчи Фаррух Турдиев. - Бу йилги соф фойдадан хайдош трактори сотиб олмоқчимиз. Маънавийимиз етади. Чунки, ҳадемай галладан бўшайдиган ерларнинг бир қисмига картошка экимоқчимиз. Олти тонна уруғликка буюртма бериб қўйдик.

СУРАТДА: фермер Кимё Турдиева. Собир ЗУФАРОВ олган сурат.



2012

йил учун

ОБУНА

давом этмоқда.

«ТОШКЕНТ

ҲАҚИҚАТИ»

газетаси

индекси - 205.

ОГОҲЛИК

ҲУШЁРМИЗ - ТИНЧМИЗ

Шу кўнларда Хотира ва қадрлаш кунини шуқуқи билан яшамолдамиз. Шаҳар ва қишлоқларимизда уруш ва фронт орти меҳнати фидойилари хотираси ёдга олинаиб, меҳнат фахрийларига қадр-қиммат кўрсатилиб, уч авлод учрашувлари, давра суҳбатлари, адабий-бадний кечалар ўтказилапти.

Шубҳасиз, бу тадбирларни ҳар биримиз тинч, осойишта ўтказиш, аждодларимизнинг ибратли ишларини ёдга олиб, кексаларнинг ҳурматини ўрнига қўйиш ҳаракатидаимиз. Зеро, байрам кўнлари хотиржамлик ва ҳамжиҳатликда ўтишини истаймиз. Бунинг учун ҳар биримиз огоҳ бўлишимиз, баъзи ноҳоллиқ, шум ниятли шахслар содир этиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар-

нинг олдини олишимиз керак. Бу наинки давлат бошқаруви, ички ишлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, балки ёш кекса, ҳаммамизнинг, бутун жамоатчиликнинг ишимиздир. Шунинг учун ҳар биримиз ўз иш ва истиқомат жойларимизда огоҳ бўлайлик.

ҲОШИМОН ШАРОФХОНОВ, хизматчи. Бўка тумани.



«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ

«ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати

Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!

Тел: 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ҲАМИША ЁДДАСИЗ, ЭЪЗОЗДАСИЗ

ШИРИН СЎЗ – ЖОН ОЗИҒИ

Дунёда тирик жон борки, яхши сўзга илҳақ яшайди. Бу неъматга сазовор бўлганлар ҳам, аксинча, ўкинч гирдобиде зор ўтганлар ҳам бор. Мустақиллик йилларида ўзгача мазмун-моҳият касб этган 9 май – Хотира ва қадрлаш куни, таъбир жоиз бўлса барчага меҳр-оқибат

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси вилоят кенгаши уюштирган хайрли тадбир ҳам "Сиз доим қалбимиздасиз, азизлар" дея номланди. Янгийўл тумани "Нихол" хошонасига касба уюшмасининг жонқуяр аъзолари, узоқ йиллар Ватан равақи йўлида хизмат қилган меҳнат фахрийлари таклиф этилди.

– Инсонпарварлик тамойиллари устувор мамлакатимизда "Барча яхшиликлар инсон учун" деган нақлга амал қилинади, – деди Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаш раиси Абдуҳамид Йўлдошев. – Бугун эл-юрт тинчлиги, омонлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида тер тўкиб меҳнат қилган, умрини ўз севган касбига, халқига бахшида этган барча азизу муқаррам инсонлар

қадрланган кун. Даврада кўр тўкиб ўтирган нуроний отахон-онахонларнинг вилоятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўз ўрни ва салмоқли ҳиссаси бор.

Ҳақиқатан ҳам, вилоят, шаҳар, туман миқёсида масъулиятли вазифаларда фидокорона меҳнат қилиб, эл-юрт назарига тушган, хурматга сазовор бўлган бир қатор меҳнат фахрийларига кўрсатилган ҳурмат-эътибор, иззат-икром, софга-саломлар тадбир қатнашчиларини чуқур ҳаяжонга солди.

– Инсон ҳамиша яхшиликка интилиб яшайди, – деди мустақилликнинг илк йилларида вилоятимизга раҳбарлик қилган меҳнат фахрийси Сайфулла Сайдалиев. – Ярим асрлик иш фаолиятимизда вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларини кезиб, меҳнаткаш, бағри кенг инсонлар билан мулоқотда, баҳоли қудрат эл-юрт хизматида бўлдим.

Бугун биз учун уюштирилган қадр ва эъзоз тадбири қалбимга эзгулик, вужудимга тетиклик, кўтаринки қайфият бахш этди...

Янгийўллик меҳнат фахрийси Юрий Хайдуковни вилоят ахли "Ўзимизнинг Хайдаров" дейишади. Бу бежиз эмас: – Асл касбим ўқитувчи, – дейди у. – Маҳалламиз асосан ўзбек хонадонларидан иборат эди. Улар билан қалин дўст бўлиб кетганман. Собиқ Калинин, Чиноз, Ёстонлик туманларида ишлаганимда ҳам турли миллат вакиллари билан ахил-иноқ яшадик. Мустақиллик йиллари бошқалар қатори мени ҳам маънан юксалтирди. Инсонни улғулаш жамиятнинг гуллаб-яшнашида муҳим омилдир. Хотира ва қадрлаш куни биз учун эзгулик байрами десак ҳам бўлади...

Сайёра ЭШМАТОВА.
Даврон АХМАД
олган сурат.

ИЖОДИ МАКТАБ УСТОЗЛАР

Ҳар куни тонг билан ишга келиб, кенг айвондан ўтаётганимда, "Тошкент ҳақиқати" газетаси тахририятида турли даврларда ижод билан шуғулланган устозларнинг хотира стендларидаги суратларига кўзим тушади. Ўзбекистон журналистикасининг ниҳоятда салоҳиятли ташкилотчи ва раҳбарлари Зийод Есенбоев, Аҳмаджон Исмоилов, Махсуд Қориев, Исмоилжон Сулаймонов, Нуъмонжон Насимов, аλπ ижодкорлардан Усмон Жонгитов, Зокиржон Исроилов, Шухрат Қосимов, Мирсобир Мирхамидов ва бошқалар гўёки: "Хўш, бугунги ижодий режаларинг қандай?", "Янгила-наётган жамият талаблари билан ҳамқадам бўла олаёсанми?", "Ўз жумбоқли муаммолари билан тахририятга келувчи арзчилар билан ишлашга саботу салоҳиятинг етаяптими?" деб сўраётган-дек бўлишади. Шу устозлар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Раҳимберди Умаровнинг журналистикадаги ўрни ўзига хос.

– Устоз чин маънода серқирра ижодкор эдилар, – эслайди кекса ҳамкасбимиз Абдусамид Йўлдошев. – У кишининг ижодий маҳорати, ҳаёт муаммоларига муносабати, воқеа-ҳодисалар ва жараёнларни таҳлил қилиш салоҳияти, газетани беэза малакаси ёш ходимлар учун амалий мактаб бўлган.

Дарҳақиқат, табиатан жўшқин, фикри ўткир устоз журналист Раҳимберди Умаровнинг ёш қаламкашларга маслаҳат ва ўғитлари, амалий далда беришлари кўпчилики катта ижод йўлига олиб чиқди. Ўзим ҳам 47-48 йил илгари ҳозирги Қибрай туман газетасида иш бошлаганимда, ўша кезлари масъул котиб вазифасида ишлаётган Раҳимберди Умаровдан олган сабоқларимни ҳали-ҳануз унутмайман, ўрни билан уларга амал қилиб келаман.

Раҳимберди Умаров журналистикага иштиёқ, ҳавас, улкан орзулар билан кириб келди ва кўзланган мақсадга эришиш завоқини сурди. "Тошкент ҳақиқати" газетаси тахририятида ишлагани йиллари аjoyиб фазилатли замондошлар ҳақидаги очерклари, муаммолар таҳлилий мақолалари, ўткир фелъетонлари билан довар қозонди. Масъул котиб ўринбосари, масъул котиб, бош муҳаррир ўринбосари вазифаларида бўлган йиллари кўплаб шогирдларни тарбиялади, газетани саҳифалаш жараёнларини мукамаллаштиришга, материаллар мундарижасини кенгайтиришга салмоқли ҳисса қўшди. Тахририят хузуридаги ёш мухбирлар университетни машгулотларида суҳбат ўтказганидан сўнг хайрат ва ҳаяжон тингловчиларнинг юз-кўзларини да зоҳир бўлиб турганини кўп кузатганман.

Масъул котибдан макет

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида "9 май – Хотира ва қадрлаш куни" муносабати билан "Хотира – боқийдир, қадр – муқаддас" мавзусида учрашув бўлиб ўтди.

ОЛИЙГОҲДА УЧРАШИШДИ

Тадбирда фахрийлар тинчлик учун қандай жанг қилганликлари ҳақида сўзлаб бериб, уларга доимий ғамхўрлик билдирилаётганлиги учун ҳукуматимизга самимий миннатдорчилик изҳор қилишди. Бу каби тадбирлар эртаминг эгалари саналган ёш авлоднинг улғу аждодларга нисбатан хурмат, эҳтиром туйғуларини шакллантириб, бугунги тинч кунларимизнинг қадрига етиш ва қалбдан шукроналик ҳиссини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

"Туркистон-пресс".

Меҳнат инсонни улғулайди деганларидек, кимдир жисмоний ёки илму салоҳияти ва яна кимдир ижодий ишлари билан Ватан равақи-га ҳисса қўшади. Солижон Бойматов

ҒАМХЎР МУРАББИЙ, ФАОЛ ИЖОДКОР

Мана 50 йилдирки, ёшларнинг меҳрибон устози бўлиш билан бирга қўлидан қалами тушмайдиган фаол ижодкор, маънавият тарғиботчиси сифатида хурмат қозониб келмоқда. У Жизжаҳдаги Наримонов номи машҳур 5-ўрта мактабни тугатган. Машҳур дейишимизга сабаб кўплаб давлат арбоблари, ёзувчи ва шоирлар айнан шу мактабда таълим олганлар. Уларнинг таъсирини ёки ижодга қизиқишини, ёш Солижон ҳам ўқувчилик пайтлариданоқ ҳозирги "Тонг юлдузи", "Туркистон" газеталари ва республика радиосининг ёшлар учун эшиттиришлар дастурларида мунтазам иштирок этди. Низомий номи Тошкент педагогика институтининг тарих-филология факультетида ўқиган чоғларида ҳам ҳикоя ва публицистик мақолалари билан "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Ўзбекистон овози", "Туркистон", "Тошкент ҳақиқати", "Янгийўл" ва бошқа кўплаб оммавий ахборот нашрларида фаол қатнашди.

Институтни тугатган,



9 май – Хотира ва қадрлаш куни

билан вилоятимиз аҳлини, хусусан, нуроний отахону онахонларни, уруш ва меҳнат фахрийларини муборақбод этамиз!

Юртимиздаги бугунги тинч ва осуда, фаровон ва нурафшон кунларга чексиз сабот ва матонат билан эришган нуронийлар эзгу қадриятлар юксак қадрланган эъзозга ҳамиша эъзоздалар. Уларнинг ҳаёт йўли барчамизни тинчликнинг қадрига етишга, шукроналик билан яшашга ундайверади.

АМОЛОТ
ёшлар ижтимоий ҳаракати
Тошкент вилояти бўлими.

ЯХШИ АМАЛЛАРГА ЭШ БЎЛГАН ОТАМ

Зангиота тумани Кўксарой қишлоғида Сиддик Сотиллов номи кўча бор. Қишлоқ ахли Сиддик отанинг ким бўлганлигини яхши билишади.

Ўз даврининг илм-маърифатли, шоиртабиат киши Мулла Сиддик ҳақида республикада хизмат кўрсатган агроном Сиддикжон Муҳаммаджонов шундай деган эди: – ...У киши менинг устозим. Шогирд сифатида бу камтарин инсондан нафақат ташкилотчилик сирлари, балки инсонийлик фазилатларини ўргандим, ҳаёт сабоғини олганман: Сиддикжон ака идорада раҳбар, далада қолхози (деҳқон) эди. Оёқларида кирза этик, эғнида гимна-танга, бошига оқ рўмол танғиб кетмон чопар, оддий деҳқон билан елкама-елка меҳнат қиларди... У пайтларда хўжаликларда техника йўқ, барча ишлар қўл билан бажариларди...

Ҳа, инсоннинг солиштириш, фарқлаш хусусияти яхшиликни қадрлашга ундаса ажабмас. Ҳозирги

дориламон кунлар, истиқлол кўеши елкасини силаган деҳқонлар, фермерларга яратилган шароитлар, замонавий техникаларга эга фермер хўжаликлариди меҳнат самарадорлигидан руҳланган Шоирхўжа Сиддикжон отаси Мулла Сиддик, унинг заҳматли меҳнатлари, хотирлашга муносиб фидойиликларини ҳақида хаяжон билан сўзлайди: – Отам Сиддикжон Сотилловнинг инсонийлик фазилатлари бисёр эди. Шунданми, одамлар билан тез тил топишарди, қиска вақтда қолоқ бир хўжалик қаддини тиклаб, ободлик сари юз тутди. Чўлу янтоқзорлар ўрнида галлазорлар, полиз пайкаллари гуркиради. Аҳоли хонадонни донга, нозу неъматга тўлди. Лекин отам кўпроқ ўзгалар манфиатини ўйлар, 4 ўғил, 3 қиз – 7 фарзандли катта

оиланинг ташвишига эса ёлғизгина ўзи балоғардон эди... Ҳатто, тураржойимиз, уйимиз ҳам ҳаҳин-қадар, битта ромли, хўж-расифат эди. Ҳозирги фермерларнинг ўз ери, ўз мол-мулки бор. Бағри кенг мустақил Ватанимиз бор. Отам эса, елкасини яғир бўлиб ишласалар ҳам, "бири икки" бўлмади. Катта хўжалик, рўзгорнинг сертавиш ишлари, машъум урушдан кейинги оғир дамлар охири отамни йиқитди, оғир хасталикка дучор бўлиб, 55 ёшида бу фойни дунёни тарк этди. Аммо, унинг ҳаётга муҳаббатини, сўнмас ғайрат-шижоатини биз – фарзандларига катта сабоқ бўлди. Тошқин тахаллу-сини билан ёзган шеърлари бизга ҳаётни севиш, одамларни қадрлашни ўргатди. Илоҳим, истиқлолимиз барқарор, фарзандларимиз баркамол, ота-боболаримиз руҳи мададор бўлсин!

Саида РАҲМОНОВА.



«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ

Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади

Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!

Тел: 233-57-47

Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

